Tadqiqot.uz

# MAY

# №64

# ANDIJON



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJIY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

DAVRIYLIGI: 2018-2024

RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI

ILMIY KONFERENSIYA

# YANGI O'ZBEKISTON: 2024

CONFERENCES.UZ

## ILMIY TADQIQOTLAR

| ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES |

## MATERIALLAR TO'PLAMI

CONFERENCES.UZ

# ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**М.О.Абдураҳмонова**
"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти"
Миллий тадқиқот университети катта ўқитувчиси
**Ш.Г.Халмирзаева**
"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти"
Миллий тадқиқот университети талабаси

**Аннотация.** Мақолада ердан фойдаланишнинг самарадорлик турлари таҳлил қилинади ҳамда уларни оширишнинг муҳим омили, замонавий иқтисодиётда бозор муносабатларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган ер участкаларини хусусийлаштириш ва шу асосда ер бозорини шакллантиришнинг мавжуд тажрибалари ўрганилади, бу жараённинг ижобий қирралари тадқиқ қилинади.

**Кириш.** Республика миллий иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар, унинг деярли барча тармоқларида мулкчилик секторини пайдо бўлиши бозор жараёнини юксак ривожланиши билан боғлиқ бўлган бугунги ўта мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитда кечмоқда, у ўз навбатида бошқарувнинг янада самарали механизмини яратилишини ҳамда ушбу механизм асосида бошқарилишни талаб этади. Бу масала ердан фойдаланишни бошқариш соҳасида, бир томондан, қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси, иморатлар ва иншоотлар, яъни ноқишлоқ хўжалигининг кенглик асоси сифатида, иккинчи томондан, кўчмас мулкни солиққа тортиш, инвестиция объекти ижтимоий – иқтисодий ривожланиш воситаси, миллий бойлик сифатида муҳим аҳамият касб этади.

**Таҳлил ва натижалар.** Ерлардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида сўз юритар экан, энг аввало, унга турли қирраларга эга эканлигини эътироф этиш зарур. Аммо бундай қирралар, албатта, ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Уларни пайдо бўлиши ер майдонларидан фойдаланишни таъминловчи омиллари билан узвий боғлиқдир. Бундай омилларга қуйидагилар киради: ҳуқуқий, технологик, ахборотли, ташкилий-ҳуқуқий, тадбиркорлик, инновацион ва ресурсли. Айнан ушбу омилларни биргаликдаги, комплекс таъсири ердан фойдаланишнинг у ёки бу самарадорлигини таъминлайди. Аммо эътироф этиш жоизки, юқоридаги омилларни ердан фойдаланишга юқори даражадаги таъсирини кузатиш учун ердан фойдаланиш қирраларини аввалда ажратиш зарур. Айнан ушбу қирралар омилларнинг комплекс таъсири билан тегишли самарадорликни таъминлайди (1-схема).




**1-схема. Ердан фойдаланиш самарадорлигининг турлари.**

1-схемадан кўринадики, ердан фойдаланиш самарадорлиги фойдаланиш соҳалари каби ижтимоий, иқтисодий, рекреацион ва экологик турларга бўлинади. Бундай самарадорликлар ерлардан турли мақсадларда фойдаланишга қараб турлича намоён бўлади. Масалан, ерни қишлоқ хўжалигида фойдаланишда асосан иқтисодий самарадорлик, аҳолини жойлаштириш ўрни сифатида фойдаланишда ижтимоий, аҳолини дам олиши ёки соғломлаштириш мақсадларида фойдаланишда рекреацион, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида фойдаланишда эса экологик самарадорлик намоён бўлади. Умуман олганда, ердан қандай мақсадда фойдаланишдан қатъий назар у маълум бир самарадорликка эга бўлмаса ундан фойдаланиш тартибини, йўлларини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади.

Ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, уларни эркин бозорга киритишда ерларни хусусийлаштириш тадбири ҳам муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Тўғри, ер участкаларини хусусийлаштириш, кўчмас мулк бозорида ер бозорини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи республикамиз учун жуда мураккаб масалалардан биридир, чунки йилдан-йилга аҳоли сонини ўсиб бораётганлиги, уларни ер майдонларига бўлган талабини ўсиб бораётганлиги ер участкаларини хусусийлаштиришга эҳтиёткорона ёндашувни талаб қилади. Умуман олганда ер участкаларини хусусийлаштириш, яъни ерга хусусий мулкчилик барча ривожланган мамлакатларда мавжуд. Жумладан, Н.Т. Мардоновнинг маълумотларига қараганда, ривожланган Европа мамлакатларида қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларининг деярли ¾ қисми хусусий мулкчиликка асосланган [3, 92-бет]. Ушбу фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, шунингдек, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда республикамиз ҳам ўз навбатида хизмат кўрсатиш объектлари билан банд ер участкаларини ва якка тартибда қурилган уй-жойлар тагидаги ерларни хусусийлаштириш, уларни давлат тасарруфидан чиқарган ҳолда эгаларига хусусий мулк қилиб бериш ҳамда тегишли тартибда расмийлаштириш зарур. Ерларни давлат тасарруфидан чиқариш ер бозорини тезкорлик билан шакллантиради ва ривожлантиради, ушбу жараёндан хавотирга тушиш керак эмас, бундай ҳолатни маълум даражада ушлаб туриш учун Европа давлатлари сингари давлат томонидан маълум бир чекланишларни киритиш мумкин. Масалан, Испания ёки Италияда ер участкалари бошқа жисмоний шахсларга сотиш ҳуқуқисиз уларнинг фойдаланувчиларига хусусий мулк қилиб берилиши мумкин [3, 46-бет].

Ер участкаларини хусусийлаштириш ва шу асосда ер бозорини шакллантириш жараёни қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган, аниқроғи, аҳоли пунктлари чегарасидаги якка тартибда қурилган уй-жойлар, шунингдек, хизмат кўрсатиш объектлар билан банд ерларда, энг биринчи галда, амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бундай ривожланишни маромига етказиш учун ҳам уларнинг ер участкаларини хусусийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилар билан бир қаторда ер бозорини шакллантириш ва маълум даражада ривожлантириш учун, фикримизча, қуйидаги омилларга асосий эътибор бериш зарур:

–ер бозорининг моҳияти ва иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини асослаб бериш;

–ер бозорини шакллантиришда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш;

–ҳар бир тоифа ерларини бозор қийматини аниқлаш услубларини яратиш ва доимий такомиллаштириб бориш;

–бозор муносабатларига янги бўғинга ўтиш даврида ерга бўлган мулкчилик шаклларининг ўрнини аниқлаб бериш;

–ривожланган хорижий давлатлар тажрибалари асосида мамлакатда ер бозори муносабатларини давлат томонидан солиш механизмларини яратиш ва амалиётга қўллаш.

Шуни эътироф этиш зарурки, республика ер фондининг бир қисмигина, хусусан аҳоли пунктлари ерларининг бир қисми бозор товари ёки олди-сотди объекти бўлади, холос. Қолган, катта қисми ер бозорини ривожлантиришнинг ушбу, биринчи босқичида давлат мулки бўлиб қолаверади.

Хулоса: Юқорида олиб борилган назарий тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, аҳоли пунктлари ер участкаларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш республикамизда ҳам ер бозорини шакллантиришга ва маълум даражада ривожлантиришга давлат бюджетига тушумлар миқдорини оширишга, ердан фойдаланишга жалб қилинаётган инвестициялар миқдорини тубдан кўпайтиришга имкон беради. Бу эса ўз навбатида, ердан фойдаланишнинг иқтисодий, ижтимоий, рекреацион ва экологик самарадорликларини оширишда муҳим ташкилий омил бўлади.



#

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

**Abdujabborova Shohista Adiljonovna**
INGLIZ VA O'ZBEK TOPISHMOQLARINING STRUKTURAL-SEMANTIK TURLARI (SODDA SENTENSEMALI TOPISHMOQLAR MISOLIDA) ... 37
**Ulasheva Umida**
BOSHLANG'ICH TA'LIMDA BADIIY ADABIYOT ORQALI INGLIZ TILI O'QITISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH ... 40
**Vafoqulova Go'zal Ochilovna**
QO'SHMA GAP VA UNING TURLARI HAMDA QO'SHMA GAP QISMLARINI BOG'LOVCHI VOSITALAR MAVZUSINI O'QITISH ... 42
**Sharipova Dilnoza Shavkatovna**
SOME ANALYSIS AND CONSIDERATION OF THE SYMBOL ... 44
**Zaripova Barno Bahodirovna**
ONA TILI DARSLARIDA "SO'ZLAR XAZINASI" O'YIN TOPSHIRIG'IDAN FOYDALANISH ... 46
**M.N. Kasimova, Botir Obloqulov Jabbor O'g'li**
AMIR TEMUR IST LIEBER -HEILIGEN, ANHÄNGLICHKEIT, MURIEL ... 48
(MIR SEIED BARAKA, SCHAMSIDDIN KULOL) ... 48

## АДАБИЁТ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

**Xudayberganova Sanobar Madraximovna**
ABDULLA QAHHORNING OBRAZ YARATISH MAHORATI ... 50

## ИҚТИСОД ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

**Masharipova Xosiyat Matrasulovna**
RAQAMLI MARKETING VOSITALARIDAN FOYDALANISHDA O'ZBEKISTON TAJRIBASI: TENDENSIYALAR VA ISTIQBOLLAR. ... 52
**М.О.Абдурахимова, Ш.Г.Холмирзаева**
ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ... 54
**Abdulazizov Bekzod, Sirajiddinov Nishanbay**
THE CRITICAL ROLE OF WATER RESOURCES IN CENTRAL ASIA'S DEVELOPMENT ... 57

## АДАБИЁТ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

**Rasulova Zamira Sirojiddinovna**
MAKTABGACHA KATTA YOSHDAGI BOLALARNING TILLARNI O'RGANISHDAGI NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA DIDAKTIK O'YINNING AXAMIYATI ... 61
**G'afurova Sayyora**
TARBIYASI QIYIN VA BO'SH O'ZLASHTIRUVCHI O'QUVCHILAR FAOLIYATINI STIMULLASHTIRISH ... 63
**Qambarova Naziraxon Barxanovna**
3-7 YOSHLI BOLALAR NUTQINI O'STIRISHNING MAQSAD VA VAZIFALARI ... 66
**Sa'dullayeva Mohinurbegim**
TA'LIM JARAYONIDA TALABALAR ONG BARQARORLIGINI RIVOJLANTIRISH ... 68
**Primova Yulduz To'ychiyevna**
BOSHLANG'ICH SINFLARNI O'QITISHDA ZAMONAVIY METODLAR ... 70